

“Ўзбеккино”  
Миллий агентлиги

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият  
ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгаши

### ҚЎШМА ҚАРОР

2017 йил “24” 01

2017 йил  
“24” 01

№ 01

№ 4-90

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият  
ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2014-2016 йиллар  
учун тузилган тармоқ келишувининг 2016 йил ижроси ҳамда 2017-2019  
йиллар учун тармоқ келишувини тузиш тўғрисида

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги Хайъати ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва  
маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Раёсати

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2014-2016 йиллар учун тузилган тармоқ келишувининг 2016 йилдаги ижроси бўйича маълумотнома ахборот учун қабул қилинсин (1-илова).

2. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2014-2016 йиллар учун тузилган тармоқ келишувининг 2016 йилда бажарилиши кониқарли деб топилсин.

3. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2017-2019 йиллар учун тузиладиган тармоқ келишуви лойиҳаси бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2017 йил 12 январдаги 29 - сонли Эксперт хулосаси инобатга олинсин (2-илова).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қабул қилинган Бош келишув асосида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2017-2019 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви тасдиқлансин (3-илова).

5. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги тасарруфидаги муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда касаба уюшмаси кўмиталари раисларига:

- ушбу тармоқ келишувида белгиланган бандларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш;
- тармоқ келишувида келтирилган меъёрларни жамоа шартномалари ҳамда меҳнат

шартномалари билан мувофиқлаштирилишини қатъий таъминлаш;  
- тармоқ келишуви, жамоа шартномасини ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар йил якуни бўйича муҳокама қилиш ҳамда агентлик ва Республика кенгашига маълумот тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

6. “Ўзбекино” Миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2014-2016 йиллар учун тузилган тармоқ келишувини қабул қилиш ҳақидаги 2013 йил 31 октябрдаги 02 ҳамда 9/49-о сонли қўшма қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш “Ўзбекино” Миллий агентлиги бўлим бошлиғи В.Батраева ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари Ш.Дехқонов зиммаларига юклатилсин.

“Ўзбекино” Миллий  
агентлиги Бош  
директори  
А.Мусаев



Ўзбекистон таълим, фан ва маданият  
ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгаши раиси  
Р.Бедилов





“Ўзбекино” Миллий агентлиги Хайъатининг 2017 йил ... январдаги ... - сонли ва Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раёсатининг 2017 йил ... январдаги ... - сонли қўшма қарорига 1-илова

**“Ўзбекино” Миллий агентлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият  
ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2017-2019 йиллар  
учун тузилган  
ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. “Ўзбекино” Миллий агентлиги (бундан буён-агентлик) ва Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши (бундан буён-Республика кенгаши) ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида ходимларнинг меҳнат, иш ҳақи, уларнинг иш билан бандлиги ва ижтимоий кафолатлари борасида музокаралар олиб бориш, келишув ва жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқини тан олади ҳамда ушбу тармоқ келишувининг тарафлари бўлиб ҳисобланади.

2. Мазкур Тармоқ келишuvi (бундан буён-келишув) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-Саноат палатаси ўртасида тузилган Бош Келишув ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ундаги шартлар тизимдаги барча ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва имтиёзларининг энг паст даражасини кафолатлайди.

**II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3. Тарафлар мазкур келишувни тармоқ ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи ижтимоий шерикликнинг норматив ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар.

4. Келишув агентлик тасарруфидаги барча муассасаларнинг раҳбарларига, шу жамоаларнинг ходимларига ва касаба уюшмаси қўмитасига ҳам таъбиқ этилади. Шунингдек, барча муассасалар иш берувчилари билан касаба уюшма қўмиталари ўртасида тузиладиган жамоа шартномалари учун асос бўлади.

5. Ушбу тармоқ келишuvi тегишли йилнинг январь ойидан, тасарруфдаги муассасалардаги жамоа шартномалари эса март ойидан кечикмай тузилади ва имзоланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 9-моддасига мувофиқ, касаба уюшма ташкилотлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ҳамда назорат қилишни амалга оширадилар. Касаба уюшмаси вакиллариининг тизимдаги муассасаларда ушбу масала юзасидан фаолият олиб боришларига тўсқинлик қилинмайди.

7. Агентлик Республика кенгаши билан ҳамкорликда тизимдаги раҳбарлар, кадрлар бўлими мутахассислари, ҳуқуқшунослар ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси раислари учун тизимли равишда меҳнат қонунчилигини бузилишларини олдини олиш

ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилмайдилар.

3. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Муассасаларда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 18 декабрда 196 рақам билан рўхатга олинган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида Низом”нинг 12-бандига биноан ходимларнинг қуйидаги тоифалари мазкур келишув мақсадларида Меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этиладилар ва ҳамкорлик қиладилар:

- а) сайлаб қўйиладиган касаба уюшма органлари аъзолари;
- б) меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар;
- в) меҳнат низолари комиссиясининг аъзолари.

4. Агентлик Республика кенгаши билан ҳамкорликда тасарруфидаги муассасалар раҳбарияти билан касаба уюшмаси қўмиталари ўртасида жамоа шартномалари тузилишида амалий ёрдам кўрсатади, уларнинг бандларига ходимларнинг касбий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг долзарб масалаларнинг киритилишига эришади ҳамда бажарилишини назорат қилади.

5. Тарафлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларини ходимнинг ёзма розилиги билан (МК 164-модда) бухгалтерия орқали пул ўтказиш йўли билан тегишли касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига ўтказиш тартибини сақлаб қолишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

6. Тарафлар тизимдаги муассасалар учун ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси бўйича ишлаб чиқиладиган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда ҳамкорлик қилади.

7. Агентлик Ҳайъат қарорлари, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Республика кенгашига юборилишини таъминлайди ҳамда тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясига тааллуқли масалалар муҳокама этиладиган йиғилишларига Республика кенгаши вакилларини таклиф қилади.

8. Агентлик ва тасарруфдаги муассасалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 24-моддасида белгилаб берган “Иш берувчини ходимларнинг вакиллик органлари олдидagi мажбурияти” талабларига тўлиқ риоя этади.

9. Агентлик «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга биноан жойларда касаба уюшма қўмиталарининг фаолият кўрсатиши учун иш берувчилар томонидан шароит яратиб берилишини назоратга олади.

10. Агентлик ҳамда унинг тасарруфидаги муассасалар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси таркибига касаба уюшмаси вакилини киритади.

11. Агентликда кадрлар ва уларга бўлган эҳтиёжнинг истиқболли режаларини, кадрлар тайёрлаш ва сифатини ошириш, ёши, қўнимсизлиги, мавжуд мутахассисликлар бўйича етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда мониторинг ташкил қилиш ишларида касаба уюшмаси вакилининг иштирокини таъминлайди.

12. Агентлик хайъати таркибига Республика кенгаши раиси, агентлик тасарруфидаги муассасаларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалаларига оид қарорлар қабул қиладиган коллегиал органлар таркибига касаба уюшмаси қўмитаси раиси киритилади.

13. Агентлик ва унинг тасарруфидаги муассасаларда ходимларни янги ишга қабул қилиш жараёнида уларни дастлаб касаба уюшмаси қўмитаси танишув суҳбатидан ўтиши йўлга қўйилади.

14. Агентлик ва унинг тасарруфидаги муассасаларда иш берувчилар асосий ишидан озод этилган касаба уюшмаси қўмитаси раиси учун зарур иш шароитларини яратади, кабинет ва керакли жиҳозлар билан таъминлайди, шунингдек, касаба уюшмаси ишларини бажариши учун кўпроқ имконият яратиб беради.

15. Тизимда колл-марказлар, “Ишонч” телефонлари ва виртуал қабулхоналар тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш ишлари олиб борилади.

16. Муассасаларнинг Халқаро меҳнат ташкилотининг асоссолувчи конвенцияларига риоя этишга доир чоралар тизими ҳар йили таҳлил қилинади. Яратилаётган ҳужжатли ва бадиий фильмларда муносиб меҳнат афзалликларини тарғиб қилиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

17. Тизим муассасаларида илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит тратиш орали меъёрий негизни ривожлантириш ишлари давом эттирилади.

18. Тизимдаги иш берувчилар томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли конвенциясига мувофиқ, ташкилотларда ходимлар вакилларининг эркин фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилади.

### **III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ**

19. Ижтимоий шериклик тамойили асосида фаолият олиб боришда меҳнат шартномасининг мазмуни, уни тузиш ва бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси билан белгиланишини, меҳнат қонунчилигига кўра мазкур келишув ва жамоа шартномаларида белгиланган ходимнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари даражасини пасайтирадиган меҳнат шартномаси ҳақиқий ҳисобланмаслиги ва қўлланиши мумкин эмаслигини эътиборга олинади.

20. Касаба уюшмаси муассасаларига сайланган ва асосий ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугатилгандан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди (МК 25-моддаси).

21. Тарафлар ижтимоий фаолиятга оид дастурлар амалга оширилаётганида ногиронлар, ёш болалик аёллар ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган ходимлар иш жойини мумкин қадар сақлаб қолади.

22. Тарафлар жамоа шартномасини тузиш пайтида ходимлар учун белгиланадиган ижтимоий кафолатларни ушбу Келишувда белгиланганидан кам бўлмаслигини таъминлайди.

23. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор касаба уюшмаси тақдимномасини Иш берувчи 10 кун муддат ичида кўриб чиқиб, натижаси ҳақида унга хабар беради.

24. Иш берувчи томонидан ходим билан меҳнат шартномасини тузиш пайтида, уни (имзо билан) муассасанинг Низоми, жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, ходимнинг меҳнат функциясига тааллуқли ҳаракатдаги бошқа локал норматив ҳужжатлар билан таништиради ҳамда меҳнат шартномасида келтирилган меъёрларни жамоа шартномасида мавжуд меъёрлар билан ҳамоҳанглигини таъминлайди(таътил, иш вақти масалалари).

25. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини жамоа шартномаларида белгиланади.

26. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек

ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатларни жамоа шартномаларига киритади.

27. Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Иш берувчи, шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт (МК 102 модда).

28. Оммавий ишдан озод этиш мезонлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

а) Муассаса ходимларининг рўйхатдаги сонидан камида 10 фоизининг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларнинг оммавий равишда ишдан озод этилиши деб ҳисобланади.

б) Штатдаги ходимлар сони қисқарганда:

20 ва ундан ортиқ ходим 30 кун ичида;

60 ва ундан ортиқ ходим 60 кун ичида;

100 ва ундан ортиқ ходим 90 кун ичида бир вақтнинг ўзида ходимларни оммавий ишдан озод этиш ҳисобланади.

29. Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида бўшатиб олинган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

30. Ходимларнинг меҳнат шартномасини касаба уюшмаси кўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Меҳнат шартномаси:

- корхона тугатилиши муносабати билан;

- корхона раҳбари билан тузилган шартномани Меҳнат кодекси 100 - моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра;

- Меҳнат Кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 6-бандига кўра иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда касаба уюшмаси кўмитасининг розилигини олиш талаб этилмайди.

31. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшмаси кўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органидаиш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқиши таъминланади.

32. Ходимларни аттестациядан ўтказишдан камида 2 ой олдин ходимлар огоҳлантирилади, камида 1 ой олдин тахминий саволлар билан таништиришни назарда тутувчи қоидалар, шунингдек аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши билан келишиб тасдиқланади.

#### **IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ**

33. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ, тизимда иш ҳафтасининг қуйидаги муддатлари қабул қилинади:

а) нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун - ҳафтасига 40 соат;

б) 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун – ҳафтасига 36 соат;

в) I ва II-гуруҳ ногирони бўлган ходимлар учун – ҳафтасига 36 соат;

г) 3 ёшгача боласи бор аёллар учун – ҳафтасига 35 соат.

Иш кунининг бошланиш ва тугаш вақти ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

34. Ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар рўйхати ва улар учун иш вақтининг 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати жамоа шартномаларида белгиланади(МК 117-модда).

35. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин. Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилайди.

36. Иш берувчининг фармойиши ёки буйруғи бўйича ишлаб чиқариш заруриятларидан келиб чиққан ҳолда айрим ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этишга, жамоа шартномасида белгиланган асослар бўйича ўрнатилган тартибда йўл қўйилади.

37. Ходимга йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқариш, таътиллارни бериш вақти бўйича имтиёзлар, таътиллار учун ҳақ тўлаш Меҳнат кодексининг 142, 144, 148-моддалари талабларига қўшимча равишда, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

38. Ҳар йилги асосий ва қўшимча ҳақ тўланадиган меҳнат таътилларини берилишида тизимнинг ҳусусиятларини назарда тутилиши лозим. Бунда, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда, меҳнат таътили жадвалини календар йил бошланишидан икки ҳафта илгари муассасанинг меъёрли ишлаши ва ходимларнинг дам олишлари учун қулай шароит яратиш мақсадида тасдиқлайди.

39. Тасарруфдаги муассасалар ходимларига меҳнат таътиллари **1-иловага** мувофиқ белгиланади.

40. Меҳнат таътилини бўлиб бериш, қисман бериш, бошқа муддатга тўлиқ ёки қисман кўчириш ҳамда меҳнат таътилидан чақириб олишни иш берувчи томонидан фақат ходимнинг розилиги билан амалга оширади.

41. Ходимларга қуйидаги ҳолларда ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллار берилади:

- фарзанд туғилганида отага икки иш куни;
- оила қуриш муносабати билан уч иш куни;
- яқин қариндошларининг дафн маросимида уч иш куни.

Яқин қариндошлар деб: ходимнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғил ва қизлари, турмуш ўртоғи, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ҳисобланадилар.

42. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

43. Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жихатидан уларга тенглаштирилган шахсларга - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (МК 234-модда);

- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган (МК 232-модда).

Бундан ташқари, бетоб оила аъзосини парваришлаётган шахсларга, ишлаётган пенсионерларга уларнинг илтимосига кўра муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

## **V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ, КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ**

44. Иш берувчи тизимида меҳнатга ҳақ тўлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига кўра амалга оширилади. Ягона тариф сеткаси бошланғич разряди сифатида биринчи разряд белгиланади ва амалдаги тариф коэффицентлари, шунингдек тариф ставкаларини энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тартиби сақлаб қолинади. Иш ҳақининг кафолатланган энг кам миқдорига оғишмай роя қилиниши таъминланади.

45. Ходимларнинг лавозим маошлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонида асосан белгиланган тартибда ошириб борилади.

46. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддаси асосида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаслигини ва иш ҳақини ўз вақтида тўланиши учун муассаса раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади.

47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида тизимдаги муассасаларда иш ҳақининг ҳамда стипендияларнинг ўз вақтида ва тўлиқ берилишини назорат қилиб бориш.

Қарздорлик мавжуд бўлган ҳолларда мутасадди идораларга ёзма мурожаатлар билан чиқилади.

48. Иш берувчи ходимларнинг юқори самарали меҳнат қилишларини рағбатлантириш мақсадида касбий маҳорати, вазифасининг мураккаблиги, бажараётган ишининг сифатлилиги, ташаббускорлиги, ҳукумат топшириғи бўйича гуруҳ аъзоси сифатида хизмат сафарларида бўлиши, жамоат ишларидаги фаоллиги, меҳнатда эришган ютуқлари, ижро интизомини таъминлаши ҳамда ишга қўшаётган ҳиссаларини инобатга олган ҳолда устама ҳақ белгиланади. Ходимларга устама ҳақ, мукофот, рағбатлантириш миқдорлари ва шахсий устама ҳақлари иш берувчи тизимидаги тегишли ички меъёрий ҳужжатларга асосан белгиланади (Масалан: “Рағбатлантириш тўғрисида”ги Низом).

49. Бир неча касбда(лавозимда) ишлаганлик, ўриндошлик асосида ишлаганлик учун, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги учун ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномаси тарафлари ўртасидаги келишувга кўра белгиланади (МК-160-модда).

50. Бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида зарар кўрган ходимларга, табиий офат ва фавқулодда ҳолатлар кўламини ҳамда муассасанинг молиявий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

51. Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда унинг оиласига моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин. Унинг меъёри жамоа шартномаларида белгиланиши мумкин.

52. Ходимларга узоқ муддат касалликлари давомида ёки сурункали касалликларини даволашлари учун, муассаса раҳбарияти руҳсати билан жамоа шартномасида белгиланган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.



Шунингдек ходим учун соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан муассаса томонидан ходимларнинг жарроҳлик операцияларига, стационарда даволаниши ҳамда дори-дармонларига сарф қилган харажатлари қоплаб берилиши мумкин.

53. Агентлик тасарруфидаги муассасаларда ходимларга қиш мавсумига тайёргарлик кўришлари учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун моддий ёрдам тегишли касаба уюшмаси органи таклифига биноан тўланади.

54. Барча турдаги моддий ёрдамлар ходимларнинг шахсий аризалари асосида (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун бериладиган моддий ёрдам бундан мустасно), муассасанинг молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, буйруқ билан расмийлаштирилиб, тўлови амалга оширилади. Бундан ташқари, мазкур моддий ёрдамларни тўлашда муассаса раҳбарияти томонидан ҳар бир моддий ёрдам тури бўйича асословчи ҳужжатлар, яъни гувоҳномалар нусхалари, тиббиёт муассасаларидан олинган касалликни тасдиқловчи ҳужжатлар, бахтсиз ходисани тасдиқловчи далолатнома нусхалари олинishi зарур.

55. Ходим жорий йилда икки календарь йил учун меҳнат таътилига чиққанда, унга фақат бир календарь йил учун бериладиган қўшимча тўлов тўланади.

56. Дам олиш ва байрам кунларида бажарилган ишлар учун икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади.

57. Иш вазифасини бажараётган пайтда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи бир йўла бериладиган нафақа тўлайди. Бунда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақидан, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори, марҳумнинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас (Меҳнат кодексининг 194-моддаси).

58. Иш берувчи томонидан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар:

- иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар учун - 18 ёшга) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек ходим ишда шикастланиш ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганда ойлик иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов (лепра) касаллиги, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадали тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажы 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажы 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

в) умумий иш стажы 5 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи

миқдорида.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи кичик (-) бандларида назарда тутилган ходимлардан ташқари қолган ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

Қолган ҳолларда, умумий иш стажига қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоиз миқдорда тўланади.

59. Иш берувчи ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақалар бўйича тўловларни тўлашни кафолатлайди.

60. Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги 2010 йил 27 декабрдаги Қонунига мувофиқ, ходимнинг ёки унинг қарамоғидаги оила аъзосининг вафоти сабабли иш берувчи томонидан ходимга ёки унинг оила аъзоларига дафн этиш ҳаражатларини қоплаш учун белгиланган тартибда нафақа берилади.

61. Ўзбекистон Республикаси ичидаги хизмат сафарлари учун тўланиладиган компенсациялар “Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафарлари тўғрисида”ги Йўриқномага ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддасига асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- йўл кира ҳаражатлари норматив асосида;
- Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақига нисбатан мутаносиб равишда 8 ва 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда суткалик ҳаражатлар;
- доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси билан боғлиқ ҳаражатлар;
- ходим томонидан Иш берувчининг рухсати ёки розилиги билан қилинган бошқа ҳаражатлар.

62. Кўчиб юриш билан боғлиқ бўлган ишларда, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда, шунингдек ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда ходимнинг қилган ҳаражатлари иш берувчи томонидан Меҳнат кодексининг 172 ва 173-моддаларига асосан жамоа шартномаларида кўрсатилган тартибда ва миқдорда қоплаб берилади.

63. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда белгиланган барча имтиёзлар яратиб берилади.

64. Ходимларга иш тақсмоти, фаолиятидаги ютуқлар учун берилиши режалаштирилган устама пул ва қўшимча ҳақларни тасдиқлашда касаба уюшмаси кўмиталари вакилларининг иштирокини таъминлайди.

65. Иш берувчининг кўрсатмасига биноан иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўриқдан ўтиш, навбатчилик, дарслар ўтказиш ва бошқа турли тадбирларда қатнашиш) мақсадида ходим ўз асосий ишидан озод этилади. Агарда юқорида кўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу ҳолда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади - мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, ходимга сарф қилинган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланади ёки қўшимча дам олиш вақти берилади.

66. Ходимларнинг ишга келиб-кетиш транспорт ҳаражатлари ҳамда тушлик ҳаражатлари иш берувчи томонидан ҳар ойда қисман қоплашниши мумкин.

67. Ходимлар орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, жойларда низоларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўриб борилади.

68. Ушбу келишув жамоа шартномалари орқали тармоқдаги кўп болали ва кам таъминланган оилалар вакиллариغا, уруш ва меҳнат фахрийларига иш берувчи томонидан моддий ёрдам кўрсатиб борилади.

69. Агентлик ва унинг тасарруфидаги муассасаларда иш берувчилар асосий ишидан озод этилмаган ҳолда касаба уюшмаси кўмитаси раиси лавозимига, кўмита аъзоллигига сайланган ходимларнинг юқори касаба уюшмаси органлари томонидан ташкил этилаётган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ қисқа муддатли хизмат сафари (бориш, келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш ва х.к.) муассаса ҳисобидан қоплаш мажбуриятини олади.

70. Агентлик тизимда лицензия олиб ишлайдиган хусусий ташкилотларни касаба уюшмаси аъзоллигига жалб этишда касаба уюшмаси Республика кенгашига кўмаклашади.

## **VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ**

71. Ходимлар меҳнат вазифаларини меҳнат шартномалари ва ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилган ҳолда бажарадилар.

72. Барча меҳнат вазифаларини сидқидилдан бажарган, самарали натижаларга эришган ходимлар ташаккурнома эълон қилиш, қимматбаҳо совғалар билан ва фахрий ёрлик билан тақдирлаш, муассаса тизимида турли номинациялар бўйича унвонлар бериш, давлат ва тармоқ мукофотларига тавсия этиш орқали рағбатлантирилади.

73. Меҳнат интизомини бузганлик учун интизомий жазоларни қўллашга белгиланган муддатлар (Меҳнат кодексининг 182-моддаси) ўтиб кетгандан кейин йўл қўйилмайди.

74. Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида (Меҳнат кодексининг 183-моддаси) ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

75. Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим.

76. Агентлик тизимида ишчи-ходимларга нисбатан меҳнат интизоми шартларининг қўлланишини Меҳнат кодексининг 174-184-моддалари ҳамда мазкур келишувга киритилган талабларга асосан амалга оширади.

77. Ходимлар орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, жойларда низоларга олиб келувчи вазиятларнинг олдини олишга қаратилган чораларни кўриб боради.

78. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли моддаларида кўзда тутилган талаблар асосида барча муассасаларда ички меҳнат тартиб қоидаларининг бўлишини таъминлайди.

## **VII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

79. Тарафлар, ижтимоий шериклик тамойилларини тан олган ҳолда, тармоқ Келишувини бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларни олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар. Баҳслашувлар ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

80. Якка меҳнат низолари “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 12.01.2015 йилдаги 20-66“с”-сонли ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 15.01.2015 йилдаги 01-СП-сонли кўшма қарори билан тасдиқланган “Якка меҳнат низолари комиссиялари фаолиятини ташкил этиш юзасидан тавсиялар” асосида ишлаб чиқилган низом асосида кўриб чиқилади.

81. Жамоаларга доир меҳнат низолари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

82. Меҳнат қонунчилиги бузилишига йўл қўйган мансабдор шахслар томонидан мазкур қонун бузилиши бартараф этилмаган ҳолларда, суд органларига мурожаат қилишдан олдин, ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари тарафларнинг ижтимоий шериклиги ва ўзаро мулоқоти асосида кўриб чиқиши ташкил этилади.

83. Иш берувчи тизимида меҳнатга оид қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олиш бўйича тарафларнинг тизимли ҳамкорлиги йўлга қўйилади.

84. Муассасалардаги касаба уюшмаси вакили:

- меҳнат ва касаба уюшмаларига тааллуқли қонунлар талабларига иш берувчи ва унинг вакили томонидан риоя этилаётганлигини назорат қилиб боради, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тақдимнома киритади;
- ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризалари билан судга мурожаат қиладилар;
- ходимларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли жавоб берадилар.

## **VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ**

85. Агентлик:

- меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади;
- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тармоқ мақсадли ва махсус дастурларни тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;
- тизимдаги ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;
- тизимдаги ташкилотларда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг ва ходимлар соғлиғига бошқача шикаст етказилишининг текширувдан ўтказилиши ҳамда ҳисобга олинишини ташкил этади ва таъминлайди;
- тизимдаги ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассисларининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича тайёрланиши, қайта тайёрланиши, малакаси оширилиши ва билимлари текширилишини ташкил этади.

86. Иш берувчи Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни негизида муассаса тизимида меҳнат муҳофазасини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни молиявий таъминлаш мажбуриятини олади. Иш берувчи тасарруфидаги муассаса раҳбарлари тегишли қонунларга, меъёрий ҳужжатларга ва техник стандартларга мувофиқ корхоналарда хавфсиз ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратиб беришда масъулдирлар.

87. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ҳайъати, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Ижроия қўмитасининг 2012 йил 3 сентябрида қўшма қарори билан тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларни режалаштириш бўйича тавсиялар”га риоя этилган ҳолда, муассасалар жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича Битим тузилишини, Битимда кўзда тутилган тадбирларга керакли миқдорда маблағлар ажратилишини ҳамда уларнинг мақсадли сарфланишини таъминлайди.

88. Иш берувчи муассасалар қошида тиббиёт пунктларини ташкил қилади. Ходимларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказилади. Меҳнат шароитидан келиб чиқиб ходимларни махсус кийим бош, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари билан таъминлайди.

89. “Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестация қилиш”га асосан белгиланган муддатларда иш жойларининг аттестациядан ўтказишларини таъминлайди.

90. Ўзбекистон Республикасининг “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги ва “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонунлари асосида иш юритади.

91. Касаба уюшма органлари барча босқичларда меҳнат муҳофазаси, шунингдек иш берувчилар томонидан бу борада ўз мажбуриятларини бажарилаётганлиги устидан назорат қилади.

92. Техника хавфсизлиги қондаси бузилганда ходим ишни тўхтатишга ҳақли. Бундай ҳолатлар ходимларнинг айбисиз юз берганда уларга ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади.

93. Ходимларга касал бўлганда, меҳнатда майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан турмушда жароҳатланганда, оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда Меҳнат Кодексининг 285-моддасига биноан тўловини амалга оширади.

94. Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)га мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

95. Тарафлар ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар берилишини таъминлайди.

## **IX. ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАР, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ**

96. Ишлаётган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш мақсадида, Тарафлар ўз зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни оладилар:

- ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларини амалга оширилишини таъминлаб бориш;

- ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга, ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш;

- кўп болали ва кам таъминланган оилалар вакилларига, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

97. Меҳнат таътили даврида ходимлар учун республикадаги санаторий ва дам олиш масканларида, ёзги таътил даврида ходимларнинг фарзандларини болалар дам олиш оромгоҳларида хўжалик ҳисобидан соғломлаштириш ва дам олдириш ишлари ташкил қилинади.

98. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олиши учун йўлланмалар Иш берувчи тизимидаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари томонидан бериладиган буюртмалар асосида, улар томонидан тўланган ягона ижтимоий тўловлардан ва касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг соғломлаштиришга ажратилган миқдорига мувофиқ равишда берилади.

99. Тарафлар тизимда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари мавжуд бўлса ёки янги ташкил этилса, уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мавсумга ўз вақтида тайёрлаш ва маблағ ажратилишини таъминлайди.

## **Х. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАҲСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР**

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

100. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг қуйидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:

“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;

“Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-сонли Конвенция;

“Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;

“Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;

“Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция;

“Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция;

“Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенция.

101. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ҳомиладор аёллар учун (МК 78, 84, 143, 224, 228, 229, 231, 233, 237-моддалари);

б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (МК 143, 227, 234, 236-моддалари);

в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (МК 78, 84, 150, 224, 228, 228<sup>1</sup>, 234, 237-моддалари);

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (МК 150, 232-моддалари);

д) ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, ҳомий) учун (МК 230-модда);

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллари учун (МК 68, 144, 228, 229-моддалари);

ж) онасиз болаларни тарбиялаётган шахслар учун (МК 235, 238-моддалари).

102. Иш берувчининг мажбуриятлари:

- аёлларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бериш;

- тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш ўринлари ажратиш;

- ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтишлари учун, уларнинг ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиш, агар мазкур кўрикни ишдан ташқари вақтда ўтказиш имконияти бўлмаса.

103. Икки ёшгача фарзанди бўлган аёлларга, болани овқатлантириш учун ҳар уч соатда 30 дақиқадан танаффус берилади, икки нафардан кўп 2 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга эса, ҳар уч соатда 1 соатдан танаффус белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш соатига қўшилиб, ўртача иш ҳақи тўланади. Ходиманинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун ажратилган танаффуслар вақти дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб

берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг бошига ёки охирига ўтиши мумкин (МК 236-модда).

104. Касаба уюшма кўмитаси аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашишни ўз зиммасига олади, аёллар меҳнати ва соғлиғи муҳофазаси бўйича кўмитанинг ижтимоий дастури бажарилишида Иш берувчига яқиндан ёрдам беради.

## **XI. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР**

105. Тизимдаги муассасалар фаолиятида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш мақсадида тарафлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли ва “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш;

- ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказиш;

- ёш оилалар аъзолари бўлган ходимларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш.

106. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўзда тутилган қуйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (МК 116, 135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246 – моддалари);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (МК 103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257-моддалари);

в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (МК 68, 103-моддалар).

107. Иш берувчи мажбуриятлари:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллار ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш;

- касб-ҳунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш, уларни агентлик тизимидаги муассасалар фаолиятига жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш.

108. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига белгиланган имтиёзларга қўшимча тарзда, ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун зарур бўлган кундалик иш вақтининг бошланиши ва тамом бўлиши ходимга мақбул вақти ўрнатилиши кафолатланади.

109. Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишларидан, зарарли одатларга берилиб кетишларидан муҳофаза қилиш мақсадида давлат ва ҳуқуқ-тартибот органлари, республикада фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармалар билан ҳамкорликда ахлоқий-тарбиявий мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилинади.

110. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасига асосан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга қираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслигини таъминланади.

111. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 247<sup>1</sup>-моддасига асосан «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганда иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши шарт»лиги инобатга олинади.

112. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чакируви захирасида хизмат ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойсиз судалар берилишига иш берувчи кўмаклашади.

113. Касаба уюшма кўмитаси мажбуриятлари:

а) ёш ходимларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида мавжуд ҳуқуқий–норматив базадан фойдаланиш;

б) ёш йигит–қизларни касаба уюшмаси фаолиятига жалб этиш ишларини олиб бориш;

в) ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб қилишга кўмаклашиш;

г) ишга қабул қилинган касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилишини, улар жамоа шартномалари билан таништирилишини таъминлаш;

д) янги ишга қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида кўнимлилигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш.

## **ХII. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ**

114. Мазкур масалаларда тарафлар куйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

- ҳар бир муассасада маънавият ва маърифат хонасини ташкил этиш ва уни Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов асарлари, мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар, стендлар билан таъминлаш. Иш берувчининг тасарруфида бўлган кутубхоналарни муассаса ҳисобидан янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларни янгилаб бориш;

- ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига шароит яратилади;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадиий ҳаваскорликни ривожлантириб боришни ҳар тарафлама кўллаб қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун жойлардаги музейларга ҳамда тарихий ёдгорликларга бой бўлган республикамизнинг ҳудудларига саёҳатлар уюштириш;

- умумхалқ байрамларини нишонлаш кунларида касб маҳорати ҳамда бадиий ҳаваскорлик йўналишлари бўйича турли мусобақалар, кўрик танловларини ташкил этиш;

- ходимлар, айниқса ёшларни маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий дунёқарашини янада ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий билимини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш мақсадида, турли соҳа вакилларини жалб этган ҳолда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, “Маънавият соатлари”ни ўтказиб бориш;

- ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, дам олдириш билан боғлиқ тадбирларни касаба уюшма кўмитасининг тавсияси асосида ташкил этиш;

- жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун моддий ва бошқа шароитлар яратиб бериш ҳамда меҳнат жамоасида ходимлар гимнастикасини жорий этиш;



- касаба уюшмаси фаолларини касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўқитиш.

115. Иш берувчи ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш дам олдириш, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини амалга ошириш мақсадида маблағлар ажратади.

116. Умумхалқ байрамлари муносабати билан республика миқёсида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

117. Республика кенгашининг «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик танловида тизимдаги муассасалар иштироки таъминланади.

118. Агентлик ва унинг тасарруфидаги ташкилотларда иш берувчилар “Ишонч” ва “Ишонч-доверие” газеталарига обуна бўлишда касаба уюшмасига кўмаклашади.

119. Агентлик ва Республика кенгаши аппарати ходимларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, уларни жисмонан чиниктириш, саломатликларини мустаҳкамлаш, ақлий меҳнат билан спортни уйғунликда олиб бориш мақсадида ҳар йили спорт мусобақалари ташкил қилинади.

### **ХIII. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ ВА БАЖАРИЛИШИ УЧУН ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

120. Келишув тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва уч йил давомида амал қилади. Шу вақт давомида унга қўшимча ва ўзгартиш киритишга тарафларнинг келишуви асосида йўл қўйилади. Тарафлар мулкдори алмашганда, қайта ташкил этилганда, номи ўзгарганда Келишув ўз кучини сақлаб қолади.

121. Ушбу келишув агентлик ва Республика кенгаши ўртасида имзоланганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига билдириш рўйхатидан ўтказиш учун 7 кунлик муддат ичида тақдим этилади.

122. Келишув Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига билдириш рўйхатидан ўтказилганидан сўнг икки ҳафта ичида унинг нусхасини агентликнинг барча таркибий тузилмаларига жамоа шартномаларига мувофиқлаштириш мақсадида жўнатади.

123. Келишув талаблари бажарилмагани аниқланган тақдирда уни имзолаган шахсларга ёзма равишда маълумотлар тақдим этилади. Ёзма равишда киритилган маълумотлар комиссия томонидан 7 кун ичида муҳокама этилиб, сўнгра тегишли қарор қабул қилинади.

124. Келишувнинг бажарилишини якунлари тўғрисидаги маълумотларни келишув комиссияси аъзолари тайёрлайдилар ва йил якуни бўйича бир марта агентлик ҳамда Республика кенгашининг қўшма йиғилишида муҳокама қилинади.

125. Ушбу Келишув уч нусхада тузилган бўлиб, агентлик, Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига бир нусхадан берилади ва унинг шартлари ўзаро ёзма розиликсиз ошкор қилинмаслиги лозим.

126. Ушбу Келишувдан фақат хизмат доирасида фойдаланилади.

*Тармоқ келишувига 1-илова*

Агентлик тасарруфидаги муассасалар ходимларига бериладиган асосий ва қўшимча таътил кунлари муддатлари

	Лавозимлар категориялари	Асосий таътил муддатлари	Қўшимча таътил муддатлари	Жами таътил муддатлари
1.	Маъмурий-бошқарув ходимлари	15	9	24
2.	Техник ходимлар	15	3	18
3.	Хизмат кўрсатувчи ходимлар	15	3	18

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 9 декабрда 1288-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ходимлар сонини тартибга солиш ва бошқарув таркибини таъминлаш учун ҳаражатларни мақбуллаш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорида келтирилган номенклатурага мувофиқ лавозимлар аниқланади.